

**“Ijro.gov.uz” ижро тизимида қонунлар, Ўзбекистон
Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва
топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси раҳбари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг
топшириқлари ижроси тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

(05.12.2025 й)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш борасида бир қатор амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат ҳужжатларининг ижроси устидан самарали назорат механизмларини жорий қилиш, ижро натижаси бўйича аниқ ҳисобдорликни таъминлаш, шунингдек, барча бўғиндаги раҳбарлар ва ходимларнинг ижро интизомига қатъий риоя этиш бўйича шахсий масъулияти ва жавобгарлигини янада ошириш мақсадида **жорий йилнинг 11 оyi** давомида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ҳисобот даврида **edo.ijro.uz** идоралараро ягона электрон тизими порталига жами **111 та** қонунчилик ҳужжатлари келиб тушган бўлиб, улар ўз вақтида рўйхатга олиниб, масъул ижрочиларга етказилди. Топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши қатъий назоратга олинди.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни бажаришда, **“Ijro.gov.uz”** тизимида ишлашда масъул ижрочиларга Адлия идоралари томонидан доимий равишда ҳуқуқий-услубий кўмак амалга оширилиб келинмоқда.

Ҳисобот даврида **edo.ijro.uz** идоралараро ягона электрон тизими порталида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойишлари ва топшириқларида акс этган жами **39 та** ҳужжатда Марказ асосий ижрочи сифатида **260 та** топшириқ белгиланган бўлиб, шундан **219 таси** тўлиқ бажарилган. Хозирда **41 та** топшириқ ижроси юзасидан ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, **жорий йилнинг декабрь** ойида **24 та** Президент топшириқлари мавжуд бўлиб, **мазкур** топшириқлар ижросини **2025 йил 25 декабрга** қадар бажариш белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 ноябрдаги **07-15-20-сонли** ҳамда 2025 йил 26 ноябрдаги **13/1-2575-сонли** топшириқ хатларига мувофиқ, **декабрь** ойидаги топшириқларнинг камида **40%** ижросини таъминлаш чораларни кўриш вазифаси берилди.

Унга кўра, **2025 йил 5 декабрь** ҳолатига **24 та** топшириқнинг **19 таси** ёки **(79,1%)** тўлиқ ижроси бажарилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлиси баёнларида, Вазирлар Маҳкамаси фармойишларида, Вазирлар Маҳкамаси қарорларида, Бош вазир раҳбарлигидаги баёнларда жами **103 та** топшириқлар берилган бўлиб, ҳозирда мазкур топшириқларнинг **102 таси (99,3%)** бажарилган.

Жорий йилнинг **11 оyi** давомида Идоралараро ягона электрон тизими порталига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясидан **52 та** топшириқлари келиб тушган бўлиб, топшириқларнинг **51 таси (98 %)** ўз вақтида бажарилган. Жорий йилнинг **декабрь ойида 1 та** топшириқни бажариш белгиланган. Мазкур топшириқ 2025 йил 5 декабрь ҳолатига тўлиқ ижроси бажарилди.

Бундан ташқари, **2025 йил 5 декабрь ҳолатига** Ислом цивилизацияси марказига йил бошидан жами **1 163 та топшириқ** хатлари келиб тушган.

Шундан **47 таси** Ўзбекистон Республикаси Президенти администрациясидан, **93 таси** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан ҳамда **1 023 таси** вазирлик ва идоралардан келиб тушган.

Келиб тушган хатларнинг **1 083 тасининг (93,2 %)** ижроси тўлиқ бажарилган. Ҳозирда **60 та** хатда берилган топшириқлар ижроси иш жараёнида.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг амалда бажарилишига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммо ва камчиликлар **мавжуд эмас**.

Мазкур йўналишда ишлар давом эттирилиб амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот **ҳар ойнинг якуни** билан киритиб борилади.

Ахборот учун киритилмоқда.